

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 34 (66009)
1997 йил, 3 май, шанбаСотувда эркин
нархда

КЎНГИЛГА ЙЎЛ

Муносабат

Мен ҳам, синфдош дугоналарим ҳам санъатни жуда яхши кўраимиз. Ўз ёқтирган қушиқчиларимиз, актёрларимиз бор. Улар билан учрашувлар утказиш, шундоқ сахнадан қушиқларини тинглаш бизга жуда ёқади. Аммо қишлоқда яшаётганимиз учун авваллари бунинг имкони кам эди. Ҳозир эса ундай эмас. Мана яқинда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, ажойиб сўз устаси Мирзабек Холмедов, Обид Асомов, ҳушовоз хонандалар Илҳомжон Иброҳимов, Охунжон Мадалиевлар билан учрашувлар утказилди. Туманимиз маданият саройида уларнинг алоҳида концертлари бўлди. Биз энди тез-тез маданият саройи олдидаги афишаларни кузатадиган бўлиб қолдик.

Билишимизча, бундай учрашув ва концертларни кўпроқ «Камолот» жамғармаси туман бўлими ташкил қиляпти экан. Биз бундан жудаям хурсандимиз. Бегубор ёшлигимиз қушиқ, санъатга ҳамроҳ ўтгани қандай яхши. Бу ҳатто бизни яхши ўқишга руҳлантиради. Оиламизда менгина эмас, укаларим Беҳзод билан Уткир ҳам санъатни яхши кўришади. Уша «Камолот» ташкил қилган у концертларга иккала укамни ҳам олиб тушган эдим. Қарангки, улар бундай учрашув кечаларидан кейин мусиқага жудаям қизиқиб қолишди. Ҳатто туманимиздаги мусиқа мактабига қатнаш истагини билдиришди. Улар ҳозир ҳам ўз мактабимизда, ҳам мусиқа мактабига ўқишяпти. Беҳзод укам ун битта, Уткирбек эса саккизта куйни чалишни ўрганди. Ўзларининг рубоблари бор ҳозир. Ўз газетамиз «Тонг юлдузи»да «Камолот»чилар ҳақидаги саҳифани ўқиб севиндим.

«Камолот» ташкилоти болалар ва ўсмирларнинг кўнглига йўл топгани учун улардан миннатдоримиз.

Зилола ХУЖАМБЕРДИЕВА,
Олтинкул туманидаги Абдулла Қаҳҳор номли 4-синф ўқувчиси.

БОЛАЛАР ҲАМ БИР-БИРИНИ СИЗЛАРКАН

Яқинда синфдошларимиз — Республика нафис санъат лицейи ўқувчиларидан бир гуруҳи Англияда бўлишди. Биз уларни интизорлик билан кутдик. Келишгач, уларни саволларга тугдик:

— Англиянинг ҳавоси, одамларининг самимийлиги менга жуда ёқди, — деди 11-«А» синф ўқувчиси Моҳира Тошматова. — Биз ўқишдан ташқари турли шаҳарларда бўлдик. Музейлар, тарихий елгорликларни бориб кўрдик. Денгиз буйининг тоза ҳавоси, тулқинлар шовқини

мени ҳайратга солди.

— Инглиз оиласида яшабсан, нималар сенинг ҳавасингни келтирди? — деб сура-сак, Моҳира «Ёш болалар ҳам бир-бирига «кечирасиз», «марҳамат», «рахмат» сўзларини куп ишлатиб, илтифот билан гапиришар экан. Ота-оналар ҳам фарзандларига бақирмасдан, ниҳоятда маданият билан танбех беришаркан», деди кузлари ениб.

Дилафруз РАҲИМОВА,
11-«А» синф ўқувчиси.

Мучал тўйи

Истиқлол туфайли унути-либ кетган айрим урф-одатларимиз ҳаётимизга татбиқ этил-моқда.

Шундайлардан бири Мучал тўйидир. Яқинда Шайхонто-хур туманидаги Ойбек номли 115-мактабда болаларнинг мучал тўйи нишонланди.

Карнай-сурнай садолари билан бошланган бу тўйда 12 ёшли 100 нафар ўғил-қизнинг барчасига оқ либослар кийдирилди.

Даврага тўй сабабчилари чиқишиб, қадимий қушиқлардан айтишди, томошалар кўрсатишди.


— Мучал тўйи нима? — деб сурадик унда фаол хизмат қилган Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Гафур Гулом номли маданият уйи қошидаги «Гавҳар» халқ-этнографик дастаси раҳбари Ойхон опа Ёкубовадан.

— Мучал тўйи — халқимизнинг қадимий шодиснаси, ҳар

ун икки йилда бир марта нишонланадиган маросимдир. Инсон ҳаётида 9 мучал бўлади. Биринчи мучал 12 ёшда нишонланади. Будавр бола-ликдан ўсмирликка ўтиш даври бўлганлиги учун ҳам кенгрок утказилади. Ўзтиборли ота-оналар гувоҳлигида тўй эгалари уйида, хонадонидабодрок қонурилиб, ҳаммага тарқатилади. 12 ёшлиларга бўйи баробар роклик улчанади. Улар ҳам ўз навбатида бир-бирларига совғалар беришади. Ўпчил ва мард бўлинг, деб қизлар ўғил болаларга қамчи беришади. Ўғил болалар эса қизларга ойна беришади. Ойна-дектини қапокиза бўлинглар деб...

Тўққиз мучалингиз бор бўлсин, еганингиз гушту ёғ бўлсин. Яратганингиз боғ бўлсин, азизлар.

Маъмура
МАДРАҲИМОВА.



Араз

Сабок

ХУНАРЛИ ХОР БЎЛМАС

Ўтаётган умримизнинг бирор куни йўқки, янги хабар, янгилик эшитмасак. Ҳатто Сиз, азиз ўқувчилар, таълим-тарбия олаётган мактабингизда ҳам янгиликлар тўлиб-тошиб ётибди. Шундаймасми? Мана, оддий мисол: Бу йил биринчи синфни тугатаётган кичкинтойларимиз янги алифбони мукаммал ўзлаштириб, бемалол «Китобим — офтобим»ни ўқишяпти. Бошланғич юқори синф ўқувчилари тест синовларига тайёргарлик кўряптилар. Юқори синф ўқувчилари эса «рейтинг» тизимида балл тўплаб, имтиҳонларни ЭҲМларда топширишмоқчи. Республикамизда махсус фанлар, жумладан, инглиз, ҳинд, араб, хитой тиллари-га ихтисослаштирилган, тиббиёт, педагогика, юридик, адабиёт, компьютер саводхонлиги ва яна талай соҳа йўналишлари бўйича чуқур билим берадиган мактаблар сони кўпайиб борапти. Шу нарса аниқки, бундай ўзгаришларсиз, янгиликларсиз эртанги кунимиз, келажак ҳаётимизни тасаввур этиш мумкин эмас.

Куни кеча Халқ депутатлари Андижон вилояти сессиясида сўзлаган нутқида юртбошимиз Ислон Қаримов «... эскича ишлашга интилиш, эски қолипларни асраш, кечаги кун билан яшаш умидларидан воз кечайлик, эскилик сарқитларидан соқит бўлайлик. Янгиликка, янги тафаккурга йўл очиб берайлик. Одамларни ҳам шунга даъват этайлик», дея алоҳида уқтириб ўтдилар.

Кези келганда, яна шу фикрни таъкидлаш жоиз деб ўйлаймиз. Азиз бола-жонлар, бугунги кунда мактабларда билим олиш билан бирга бирор хунар эгаллашга ҳам катта эътибор бериляпти. Чунки хунарли хор бўлмас, деган нақл бор. Бунинг Президентимиз ҳам қайта-қайта таъкидлаётдилар. Келажак билимли ва хунарлилар, янгиликка интилан ва янги тафаккур эгалариники эканлигини Сиз ҳам яхши тушуна-сиз. Шундай экан, вақтимизни бекор ўтказмай ҳам билим, ҳам касб-хунар эгаллашга интилайлик. Янгиликка интиланлар келажакни кўзлайди. Келажак эса Сизларники.



Мен 9-синфда ўқийман. Математика қизиқаман. Фақат ўзимни, ўз ўқишимни эмас, укамни ҳам ўйлайман. Унга лотин алифбосини ўргатишга кўмаклашаман.

Математика фанига қизиқаман, деб айтдим. Нима учун дейсизми? Унда мен гапириб берай, сиз эшитинг. Кунлардан бир кун мактабдан қайтаётганимда бекат ёнидаги тижорат магазинидан чиқиб келаётган бир амакига кўзим тушиб қолди. Бир қўлида тўр халта, бир қўлида пулни гижимлаганча кетиб борар эканлар юзларида безовталиқ бор эди. Нукул «инсофни ўзларига берсин», дердилар. Дикқат би-

лан яна тингладим. Ва сабабини сўрадим. Маълум бўлишича, улар тижорат магазинидан нималарнидир харид қилибдилар. Ҳисобни яхши билмаганликлари учун савдо-сотикда кўпинча алданар эканлар. Мен дарҳол харид қилинган нарсаларнинг нархини сўраб-суриш тирдим. Кейин эса қайтарилган қайтимни ҳисоблаб чиқиб, ҳаммаси тўғри эканлигини

айтдим. «Сени ўқитган ўқитувчингга раҳмат», дедилар улар. Мен ўзимда йўқ хурсанд эдим. Хурсандлигимнинг боисини тушунгандирсиз? Мана кўраяписизми, математика ҳар соҳада бизга керак экан. Насиб бўлса, келажақда математика ўқитувчиси бўламан. Ўшанда мен таълим берган болаларга «ўқитган ўқитувчингга раҳмат», дейдилар. Албатта айтадилар. Чунки мен жуда яхши ўқитувчи бўлмоқчиман.

Гулчеҳра СУЯРОВА,
Самарқанд вилояти,
Ургут туманидаги
47-ўрта мактабнинг
9-синф ўқувчиси.

Табрик

МАКТАБ, БОҒЧА ЙЎЛИНГИЗ...

Муртазо ака тулиб-тошиб юрадиган акаларимиздан. Аслида бугунги ишни эртага қўйма, деган мақол ҳам худди шу киши учун туқилганга ухшайди. Туқилишини бир ёққа қўяверинг-у, бу Муртазо аканинг асосий шиори.

Борди-ю айтган гапи, тошширган иши бугундан эртага сурилиб қолгудек бўлса, тулиб-тошиб юрган акамиз узи билмаган ҳолда «қирғоғидан» тошиб кетади. Қоплари кутарилиб, узини қўярга жой тополмайди. Бунинг сабаби бор. Муртазо аканинг мутахассислиги — қурувчи. Қурувчилар эса тезкорликни яхши кўради. Сусткашликка дуч келса, овозининг сўнгги пардаси «йиртилгунча» пардасини кутариб юборади...

Муртазо аканинг таржимаи ҳолига назар ташласангиз, унинг зинапоялардан гоҳ баланд чиққанига, гоҳ тушганига гувоҳ бўласиз. Бу деганимиз, у киши то бугунги кунга қадар неки уйлаган, неки ният қилган бўлса, бор ғайратини боғча, мактаб қурилишига, уларни жиҳоз билан тўлдиришга бағишлади.

Шундан билса буладики, Муртазо ака энг аввало болаларнинг, ўқувчи-ёшларнинг ишонган дўсти, меҳрибон фидойиси. Республика болаларининг кўнглини олай, деб елиб-югуриши, ўзга юртлардан ўқув қурулларини ундириб келиши ҳам ана шундан.

Муртазо аканинг яна бир хис-

лати — у киши батартиб одам. Суз бердими, бажаради. Бу ҳам Муртазо аканинг бола табиятчилигидан.

Муртазо аканинг узига хос сифатларидан яна бири — у киши матбуотсиз яшолмайди. Мана, узи ҳам қирқ йилдан бери газеталарда турли жанрларда ёзган мақолалари билан қатнашиб келади. Олтмишинчи йиллардан буён журналистлар уюшмасига аъзо. Адабиёт, матбуот аҳли Муртазо акани узимизнинг одам, деб билади.

Ана шу узимизнинг одам, Ўзбекистон Халқ таълими вазирининг уринбосари, Ўзбекистонда ва Қорақалпоғистонда хизмат курсатган қурувчи, иқтисод фанлари номзоди — Муртазо Султонов бугун роппа-роса 60 ёшга тулдилар.

Тенг-тушлари «Хормасинлар, олтмишвой!» дейишса, боғча, мактаб болалари эса:

Мактаб, боғча йўлингиз,
Доим омон булингиз.
Яхшилик уруғини
Экиб турсин қўлингиз, дейишлари турган гап.

Бу — Муртазо ака тахририят аъзоси бўлган «ТОНГ ЮЛДУЗИ»нинг ҳам табриги, ҳам айтмоқчи бўлган сузи.

«ГУЛХАН» журнали ҳам ана шу ниятга тенг шерик.

«ГУНЧА»ю «СОЛНИШКО» ҳам!

Юракнинг ишлаш мароми кишини ҳайратда қолдиради. У минутага 70-72 мартадан қисқариб — бушашади. Бунда юракнинг ҳар бир қисқариши 0,3 секунд давом этади. Нормал шароитда юрак бир суткада 100 минг марта, йилига эса 40 миллион марта қисқариб — бушашади. Йигит кишининг

линса қандай буларкин, деган таклифни уртага ташлади. Бу таклиф биз ёшларнинг айна кўнглидагидек гап бўлди.

Мактабни тугатганимиздан сўнг, ўқишни давом эттириш билан бирга бирор ҳунарни ҳам мукамал эгаллашга улгуришимиз лозим. Акс ҳолда, аскарлик кийимини кийганимиздан сўнг тенгдошларимиз орасида уялиб қолишимиз мумкин. Ҳарбий



ҳаракати ҳам худди юрак каби бўлиши керак. Тинч туришга, бекор юришга ҳаққимиз йўқ.

Бизни бақувват, қурқмас қилиб ҳаётга тайёрлайдиган, бир суз билан айтганда чиниқтирадиган муҳит бу — ҳарбий хизматдир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида юртбошимиз армия сафига 18 ёшдан эмас, балки 19 ёшдан қабул қи-

хизматга соғлом, бақувват йигитларгина қабул қилинади. Буни биз эс-ҳушимизни таниганимизданоқ ҳис қилганмиз. Тоғаларим, амакиларим хизмат сафаридан қайтганларидан сўнг, уларнинг шапкалари, камарларини талашганимиз, уларга ҳавас билан қараб, тезроқ солдат бўлишга интилганимиз ҳам ҳамон эсимда. Тили чиққан ўғил бола борки, «аскар бўламан», дерди. Солдатликка бўлган меҳр-муҳаббат болаликданоқ шаклланиб боради. Лекин минг афсуслар бўлсинки, баъзида кат-

талар, аниқроғи, ота-оналаримиз бу туйғуни сундирадилар. Бизларни узларидан йироқ қилгилари келмай, ҳар хил йўллар билан, ҳатто «болам но-соғлом» деган қалбаки «маълуматнома»лар тўғрилайдилар. Нега улар вақти-соати келиб «мен ҳам аскар бўлганман» деган фахрланиш туйғусини бизга раво кур-

Яшашни юракдан ўрганиш керак

майдилар?

Аскарликда бўлган йигитлар меҳнат қилишни ҳам, дам олишни ҳам, қийинчиликларни енгиб, сабр-бардошли бўлишни ҳам билади. Айнан мана шу икки баҳор, икки ёзу икки киши бизларни худди юрак каби яшашга ургатади. Буни биз — бўлғуси аскарлар дил-дилдан ҳис қиламиз.

Муроджон ИБОДОВ,
Тошкентдаги 310-
авиация-иқтисод
лицейининг
10-синф ўқувчиси.

БАРИБИР ФАЗОГИР БЎЛАМАН

Пешонасига ўн етти рақами ёзиғлик, «Отчопар» бозорига гириллаб қатнаётган трамвай бекатида анча туриб қолдим. Йўловчилар тирбандлигидан унга чиқиб олишнинг иложи бўлмади. Туйқусдан бир аёлнинг овози диққатимни тортди.

— Бериб юборинг, қалпоғини. Сиз ҳам ахир бола бўлгандирсиз! Кеч кунда совқотиб қолди-ку, шўрлик.

— Пули йўқдир-да, энди, — кимдир луқма ташлади.

— Бунақалар сон мингта кеннойи, сиздан кўп пул топади, бу учарлар, ол-е қалпоғингни..?

Ҳайдовчи итқитган қалпоқни олиб олар экан, бола маъюс жилмайди. Бу табассумда миннатдорчилик, ўкинч ўз-ўзига ачиниш ҳам гўё қоришиқ эди. Ўз ташвишлари билан андармон оломон учун бу тез унутиладиган ҳодиса. Мен эса кўнглимдаги оғриқ туфайли болани гапга солдим.

— Исминг нима?

— Беҳзод. Мандарин олувдим эрталаб. Қаранг, 250 сўм қолди. Яна уйга шунчасини олиб кетаяпман. Эртага жиянимнинг тўйи. Ойим тоғорадан кутуладиган бўлдилар.

— Мен бўлсам пулинг йўқми, деб ўйлабман.

— Ишлаган пулимни ойимларга тўлиқ қилиб бермоқчийдим. Бузгим келмади, опа.

— Бозорчи боламан де. Ёшинг нечада?

— Бизнесмен эмасман. Энди бир бўлиб қолди-да. Ёмонми-а? Биринчи куни бозор қилиб пул олиб борсам, ойим хурсанд бўлдилар. Дадам ҳам кам уришадиган бўлиб қолдилар. Кўйликда турамиз. Мен 13 ёшдаман. Лекин кичкина кўринаман-а? Шофёр амаки мени катта бўлиб қолган деди, рости, хурсанд бўлдим.

— Катта бўлиш яхшими?

— Бўлмасам-чи. Катта бўлсам фазогир бўлмоқчийдим. Лекин... Мен дада бўлсам ҳеч қачон уйда жанжаллашмайман. Болаларимга ўзим кийим-кечак олиб бераман. Опа, биласизми, синфимизда ҳамма зўр кийингандек кўринарди кўзимга, шунда ич-ичимдан хафаланиб қоламан.

— Ўқитувчилар ҳам ранг-рўйимга қараб муомала қилишади... Ҳозир ўртоғим Алишер билан биргамиз. Рости, пулнинг сеҳри бор экан. Кун бўйи «олинг, олинг»дан толиқиб, эртага келмаганим бўлсин, дейман. Яна эртаси куни эрталаб бозорга чопаман. Унибуни олиб сотаяпман-да.

Беҳзод билан анча гаплашиб ўтирдим. Бир журналист ёза олмаган яна қанча ҳақиқатларни унинг беғубор ва самимий ташбеҳларидан топдим.

— Мен келажақда фазогир бўлмоқчиман. Тушларимда ҳам учаман, десам ишонасизми?

Мен Беҳзодни бугуннинг «қаҳрамони» даражасига кўтармоқчи эмасман. Аммо Беҳзодлар бор. Эртанги куннинг фазогирга кўмаклашишга интилайлик.

Дилфуза АМИНОВА.



НОДИРА

Нодира Ботир Зокиров номидаги жамгарма ташкил этган «Юлдузча» қушиқлар танловида иштирок этиш учун Тошкентга келганини эшитиб, жуда қувониб кетдим. Санъат гулшанининг бу нодир булбулчаси тугрисида орқаваротдан эшитган бўлсам-да, ўзи биан учрашмаган эдим.

Унинг танловга тақдим этаётган қушиқлари ёзилган тасмани тинглаб эканмиз, куз унгимда Навруз байрами куни пойтахтнинг Алишер Навоий номидаги миллий боғда утказилган тантана намоян бўлди. Байрамни икки жажжи хонанда — қушлаб қанча қурик-танловларнинг иштирокчилари Дилшодбек Каттабеков билан Нодира Қурбоновалар «Келди баҳор» қушиғи билан бошлаб берган эди.

Нодира Сирдарё шаҳридаги 3-мактабнинг илгор ўқувчиларидан. Барча фанларни пухта ўзлаштиришда синфдошларига урнак бўлмоқда. Онаси Маҳбуба опанинг айтишича, у 5 ойлик пайтида тилга кирган. Етти ойлигида юра бошлаган. Билим даргоҳига турт ешдан борган.

Санъатга меҳр қўйиб, эшитган қушиқларини ўзича хиргойи қилиб юрадиган бу қизалоқни. Утган йили Навруз байрамига тақлиф этилган фольклор дастаси Тошкентга олиб келган эди. Беш ёшли қизалоқнинг кўнғирокдек овозига биринчи бўлиб, Ўзбекистонда хизмат курсатган санъат арбоби Анор Назаров қизиқиб қолди. Бастакор Алишер Икромов эса унга атаб қушиқ ёзиб берди. Шоир Иброҳим Жиянов шеърларига басталанган ва Нодирахон қўшиб қўйлаётган «Ўзбекистон», «Яшил соябон», «Душми тикдим», «Табиат гузал» қушиқлари шулар жумласидандир. Дилором Омонулласева, Пулат Мумин сузи билан айтадиган «Бувижоним, бувижон», «Навруз келди», Бахшўлла Лутфуллаев, Туроб Ниез сузига басталанган «Чин инсон буламан», «Ўйланг, болалар» каби қушиқлари пайдо бўлди.

Нодира Сирдарё вилояти Халқ таълими бошқармасининг «Ўзбекистон — Ватаним маним» Республика қушиқ байрамига бағишланган қурик-танловда бош совринга лойиқ деб топилди.

Бошқа болалар каби шўх, велосипед миниб, туپ уйнашни, аргамчикда сакрашни ёқтирадиган, уй ишларида онасининг дастёри қўғирчоқларига ўзи қўйлакча, қалпоқча тикиб берадиган, бўш вақтларида шеър ёзишни машқ қиладиган Нодирадан умидимиз катта.

Бахтиёр
МАНСУРОВ.



ЕЛПИГИЧ

Оддий рейкадан қўлга ясаган: майда тинили арра, ранда, раппил (чўтир эгов) кифоя. Рейкани рандалаб, узунлиги 28 см, эши 25 мм, қалинлиги 25 мм. ли шаклга келтирасиз, сунгра думалоқ шаклга келтирилган рейкани эговлаб, хоҳлаган материаллигини (матонлигини) иилиб, тикиб қўйинг. Азиз болалар, ясаган елпигичингизни меҳрибон бувижонларингиз, ойижонларингизга совға қилишингиз мумкин.

ҚЎШИҚ АЙТГИМ КЕЛАДИ

Жарқўрғон деган қишлоқни эшитганмисиз? Эшитмаган бўлсангиз, эшитинг. Хисор тоғлари билан ўралган бу қишлоқ менинг қишлоғим.

Бу ернинг табиати ўзгача. Айниқса, баҳорда адирлар ям-яшил майсаларга, лолақизғалдоқларга бурканиб, ҳаммани ўз бағрига чорлайди. Мен қишлоғимизнинг бепоён қирларини, отқулоқлар билан қопланган йўлларини жуда яхши кўраман.

Дарсдан бўш пайтларимда қўй боқиш учун қирларга чиқиб кетаман. Сиз хайрон бўлаётгандирсиз, бу қиз чўпон экан-да, деб. Бизда кўпчилик болалар ота-оналарига ёрдамлашиш мақсадида қўй, сигир, эчки боқишади. Бизнинг адирларда зиралар, кийик ўтлар, ҳар хил исириклар ўсади. Мен қўй боқиш учун чиққанымда мана шу доривор ўсимликлардан териб уйга олиб келаман. Нега, дейсизми?

Биз томонларда беморларга укол дорилар ўрнига шифобахш гиёҳлар ишлатилади.

Мен сизга ҳали қишлоғимизнинг табиати жуда ҳам гўзаллигини айтган эдим. Шу сабабдан ҳар баҳорда қишлоғимизга шаҳарликлар тўп-тўп бўлиб сайрга келишади, дам олишади. Яқинда шаҳардан ота-онасига қўшилиб дам олгани келган бир қиз билан танишиб қолдим. У менга шаҳардаги ҳаёт, яшаш тарзи ҳақида гапириб берди. У мендан сенинг шаҳарда яшагинг келмайдими, деб сўради. Очиги, нима дейишни билмай қолдим. Чунки мен шаҳарлик тенгдошларимнинг ҳаётига, яшашига жуда-жуда ҳавасим келарди. Бал-

ким сиз қишлоғимизни ёмон кўради деб ўйларсиз. Йўқ, асло ундай эмас. Мен қадрдон қишлоғимни ҳеч қандай шаҳарга алмаштирмайман. Аммо менинг ҳам ўз орзуларим, истакларим бор. Қанийди бизда ҳам шаҳардагига ўхшаб, ўқувчилар саройлари қурилиб, унда ҳар хил тўғараклар ишлаб турса, ўшанда биз ҳам ўзимиз қизиққан санъат турлари бўйича шу тўғаракларга қатнашсак. Мен кичкина-лигимданок қўшиқ айтишни жуда яхши кўраман. Ҳатто қўй боқиб юрганымда ҳам қўшиқ хиргойи қиламан. Лекин айтган қўшиқларимни қўйлар ва тоғу тошлардан бўлак ҳеч ким эшитмайди. Менинг ҳам турли танловларга қатнашгим, бежирим, чиройли қўйлаклар кийиб, саҳналарда қўшиқ айтгим келади.

Гапни ҳам анча чўзиб юбордим шекилли, яхшиси йўлингиз тушса, бизнинг Жарқўрғонга бир келинг. Бизлар меҳмон кутишни жуда яхши кўрамыз.

Нафиса ЖўРАЕВА,
Қашқадарё вилояти,
Қамаши тумани,
Лутфий номли
мактабнинг 7-синф
ўқувчиси.

Тахририятдан:
Тенгдошларингиз
ёзганидек, қишлоқда
меҳмон кутишни яхши
кўришади. Мезбонлик,
эзгу орзулар, изланиш-
ларингиз ҳақида ёзинг,
тиккан каштангиз,
айтишув ва лапарларингиз
саҳифамизни
тўлдирсин, азиз қизлар!

ПОЕЗД ШОДОН ҲАЙҚИРИБ ЎТДИ!

Бизнинг уйимиз темир йўл ёқасида жойлашган. Ҳар куни қатор-қатор вагонларда юзлаб, минглаб одамларни кўраману, беихтиёр уйга толаман.

Улар қаёққа боришарми? Қаёқдан келишарми экан? Нима мақсадда йўлга чиқишарми экан, ўзи? Қизиқ-а, дунёда сон-саноксиз одамлар бор. Уларнинг яшаш тарзи, ўй-хаёллари, орзулари турлича. Лекин уларнинг барчасида ягона интилиш. Бу — яшашдир. Бир куни ўқитувчимиз Роза опа: «Биласизми, болалар, бу йил инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Бу дегани ҳамма нарса инсон ва унинг манфаатлари учун дегани», — деди.

Очиги, мен бу гапга унчалик тушунмадим ва Роза опадан: «Инсон ва унинг манфаатлари нима дегани?» — деб сўрадим. Шунда ўқитувчим: Инсон табиатнинг энг олий мўъжизасидир. Шунинг учун табиатдаги жамики эҳсонлар уники. Лекин ҳамма нарса меники, экан, деб табиат неъматларидан виждонсизларча фойдаланиш ва унга лоқайдлик билан қараш жиноятдир.

Инсон нимаики ишга қўл урса, авваламбор, келажакни ўйлаши керак. Инсон манфаати учун хизмат қиладиган ҳамма нарса келажакка дахлдор. Ўйлаб қаранг-а болалар, ҳозир биз фойдаланаётган, бизнинг атрофимизни ўраб турган жамики нарсалар бизга миллион йиллардан буён етиб келган аجدодларимизнинг буюк меросидир. Биз бу мероснинг қадрига етиб, ундан оқилона фойдаланиб, келажак авлодларга бус-бутун етказишимиз ҳам қарз,

ҳам фарз. Бизнинг турғунлик деб аталган ўша машъум йиллардаги энг улкан фожиамиз Оролдир. Мана бугунги кунда биз ўша хатонинг жабрини тортмоқдамиз. Билингки, Оролнинг келажаги сизнинг қўлингизда!

Демак, инсоннинг бахт-саодати ва унинг яхши яшаш учун хизмат қиладиган барча табиат ва жамият инъомларидан эҳтиёжизга яраша фойдаланмоғимиз ва кўз қорачиғимиздек асраб-авайлашимиз шарт», — дедилар.

Ўзимни анчадан буён қийнаб юрган саволларга Роза опамнинг гапларидан кейин жавоб топгандек бўлдим. Беихтиёр кўз олдимга Орол ва Орол бўйида яшаётган дўстларим келди. Шундан кейин мен келажакда албатта шифокор бўлишга қарор қилдим. Инсон саломатлигини асраш ва унинг манфаатлари йўлида хизмат қилиш энг эзгу йўлдир. Мактабдан қайтар эканман, қатор-қатор вагонларда ўтаётган, яшашга шошилаётган одамларга кўзим тушди-ю, юрагим ёришиб кетди. Уларга қараб: Одамлар, мен сизларни яхши кўраман. Бир кун улғайиб сизнинг саломатлигингизни асраш учун хизмат қиламан, дегим келди.

Олисларга талпиниб кетаётган поезд мени тушунгандек шодон ҳайқириб ўтиб кетди.

Иқбол ВАФОЕВА,
Хоразм вилояти, Шовот туманидаги
Тараққиёт номли мактаб
ўқувчиси.



Баҳордорнинг ҳаёти

Ҳаёти

Баҳор билан қалдирғоч, болалик билан ижод. Бир-бири билан нақадар боғлиқ тушунчалар. Қалдирғоч — баҳорнинг тилмочи, кўшиғи. Шеър — болалик оламининг камалаги. Кундалик юмушларга банд чоғларда одам қалдирғочнинг куйлаётганини билади-ю лекин бу митти қуш нималар ҳақида қўшиқ айтаётганини унча англамайди. Кўкка чиққан камалакни кўрган одамнинг кайфияти бирдан ўша камалак — кўприкка тирмашади-да, осмони фалакка кўтарилиб, нурдай равшанлашади. Бироқ бу мўъжиза сабабчиси бўлган камалакнинг қачон, қай йўсинда пайдо бўлганини сезмай қоламиз.

Фарҳод Одиллов ҳам шундай. Унинг болалик қалби қачон шеърят осмонига кўприк ташлаганини сезмай қолди. У қайси бир сеҳрли лаҳзаларда вижирлаб куйлаб юборганини ҳам эслолмайди. Бу ёзганларини қисиниб-қимтиниб юриб, муаллими Хусниддин акага кўрсатганида 7-синфда ўқирди, унинг шеър билан боғлиқ таржимаи ҳоли шундан бошланди. Кейин «Давр овози» газетаси қошидаги ёш мухбирлар тўғарагига борди. У ерда тўғарак раҳбари Саид Али акаси унинг илк шеърларини текшириб берганида, илк ижодий сабоқ қудратини туйди. Бундан сўнг энди Фарҳод бутунлай бошқача — беҳато шеърлар ёзмоқчи.

Катта йўлга қадам қўётган Фарҳод ўзининг машқларини бизга топширди. Тенгдошларим ўқиб кўришсин, мен шоир бўлармиканман, дейди у. Сиз бу шеърлар ҳақида нима дейсиз, болалар? Улар сизга ёқдими?

ҚУЁШ РАҲМАТ АЙТАДИ

Баҳорой учиб келар
Қалдирғоч қанотида.
Қишда семирган ерда,
Бинафша саботида.

Баҳор келганин айтиб
Бодом гули учади.
Тоғлардаги музлар ҳам
Ирмоқларга кўчади.

Кўчатлар ўтказамиз
Бог-роғларни тўлдириб.
Бизга раҳмат айтади
Қуёш кўкда ўтириб.

РОЗИ БЎЛИНГ

Қошингизга ўсма қўймай,
Кўзингизга сурма қўймай,
Фақат бизга қарадингиз,
Меҳрибоним, онажон!

Узоқ умр кўрмадингиз,
Давру даврон сурмадингиз,
Фақат... яшар ҳурматингиз,
Улуворим, онажон!

Қадрингизни билолмадик,
Сизни рози қилолмадик,
Қолди зорим, онажон!
Рози бўлинг, онажон!

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон — юртим менинг,
Донғи — дoston юртим менинг,
Тўйинг билан табриклайман,
Ошсин яна кўркинг сенинг.

Мустақиллик бешигисан,
Бахт-саодат эшигисан,
Бахти-бекам, ўзи соғлом.
Фарҳодларнинг кўшигисан!

Фафур Фулом номидаги
33-мактаб ўқувчиси.



Тенгдошларинг ижоди

АҚЛИ ТИЙРАК, ҚАЛБИ ЗИЙРАК ДИЛДОРА

БАҲОР

Қиш захрини синдириб,
Келди Баҳорой кириб,
Қуёш чарақлаб турар,
Кукатларга ранг сулар.

Келди Наврўзни судраб.
Қаранг, қандайин қудрат!
Дехқон тушиб терларга,
Ишлов берар ерларга.

Уруғларни сочишар,
Ариқларни очишар.
Ҳосил булар ёзда куп,
Териб оламиз туп-туп.

Дилдора Курбонова Тошкент шаҳридаги Абдулла Набиев номли қўшимча таълим мажмуи қошидаги «ХУЛКАР» ёш ижодкорлар тўғарагининг аъзоси. У таълим мажмуидан анча олисдаги маҳаллада яшайди, лекин ёш шоирадаги ижод сирларини билишга иштиёқ уни тез-тез тўғаракка олиб келади. Дилдорани машғулларга дадаси келтириб қўйса, онаси олиб қайтади. Балки Дилдоранинг ота-оналари бирон жойда ишлашмас, бўш вақтлари кўпдир, дерсиз. Асло. Уларнинг иккиси ҳам — шифокор! Уйда кекса ота-оналарининг хизматларини адо этишга ҳам, Дилдоранинг укаларини парвартиришга ҳам, фарзандларининг истеъдоди ва қобилиятларини ўстиришга ҳам вақт ажратишади. Дилдора «Хулкар» дан ташқари, ёш дуторчилар дастасининг ҳам фаол аъзоси.

МЕҲНАТСЕВАР

ОНАЖОНИМ

Гулдир, онам, қўлларингиз,
Дурдир юрган йўлларингиз
Гузал унгу сулларингиз,
Меҳнатсевар онажоним.

Қувонарман кулсангиз,
Хафа бўлмам урсангиз.
Мен тураман турсангиз,
Меҳнатсевар онажоним.

Меҳрингиздан яшнарман,
Ибрат олиб яшарман.
Юрсангиз эргашарман,
Меҳнатсевар онажоним.

Олимжон ЎСАР

огир касал. Ташқарига чиқмай қуйган. 1-синфда ўқийдиган қизи Мукаррам қараб туради. Овқатни ҳам шу қизи қилади. Фақат тандирга буйи етмайди. Шунинг учун нонларини менинг онам ешиб беради. Онаминг айтишича, Қодирнинг онаси қаттиқ шамоллаганмиш. Биз унча куп кутмадик. Қалдирғочлар яна симга тизилишиб олишди. Қайта уруш бошладик. Бироқ бу сафар ҳам омадимиз чопмади. Учинчи бор уринишда эса Қодир қутилмаганда «ура» дея бақириб қолди. Қаранг, биз ҳали бир-икки тош отишга улгурмасдан, у бир қалдирғочни уриб туширибди. Қодир тезда чўзмасини Жуманга иргитди-да, ўқ кулаб тушган қалдирғоч томон югурди. Қалдирғоч қип-қизил қонга буялиб, типирчилаб етарди. Қодир уни қўлига маҳкам ушлаб бизнинг снмизга келди. Қалдирғоч эса Қодирнинг қўлида бир-икки типирчилади-ю жон берди. Тош унинг буйнига теккан экан. Бироқ Қодир бунга эътибор бермас, уз қувончидан маст эди. Ростдан ҳам, қалдирғоч уриб тушириш «бахти» (биз ўша пайт буни бахт деб тушунгандик) унга насиб қилганди. Шу сонияда унга ҳамманинг ҳаваси келди. Мерганлигига қойил қолдик-да! У бўлса оғзидан таноби қочиб, қалдирғочни «қургин» деб менга тутди. Мен қип-қизил қонга беланиб етган қалдирғочни қўлимга олишдан қўрқдим. Аммо қанотларини аҳиста силаб қўйдим. У жулаям гузал эди. Биз улик қалдирғочни бир-биримизга қўйиб уйнаганча уйга қайтаётган эдик, эшак минган бир мўйсафид енгинамиздан утиб қолди. У Қодирнинг қўлидаги улик қалдирғочга кузи тушиб тухтатди-да, бошини сарак-сарак қилганча сўз қотди:

— Гуноҳга қолибсан-ку, болам, — деди мўйсафид Қодирга қандайдир норози қиефада тикилиб, — Қалдирғочни улдирмайдилар. Гуноҳи азим бўлади.

(Давоми бор)



Қалдирғоч

Ҳикоя

Биз, Бешбола қишлоғилик тўрт ўғлон бир синфда ўқир эдик: Қодир, Жуман, Исмоил ва мен. Бизлар жуда иноқ бўлиб, мактабга ҳам бирга бориб, бирга қайтардик. Ўша кунни мактабдан вақтли қайтдик. Ёзги таътил яқинлашганига, еки муаллим опанинг бирон юмуши бор эканми, ишқилиб шу кунни бизга вақтлроқ жавоб бериб юборди. Қайтишда ҳаммамиз тезда овқатланиб, узимизнинг доимий қароргоҳ — уч терак тагида йиғилишга келишиб олдик.

Тўғриси, бир ҳафтадан бери кунимиз тарвақайлаб кетган мана шу уч терак тагида утади. Ҳамма уз-узига камон, ўқ-ей ва чўзма тайёрлаш билан овора. Бугун биз чўзмалар билан қурошланган «ер фарзандлари» само «фуқаролари» — қўшларга уруш эълон қилмоқчимиз. Жанг майдони қишлоғимиздан ўтувчи беш қатор тортилган алоқа симлари бўлиб, унга қуниб, бир неча

кунлардан буён кузимизни уйнаётган қалдирғочу чумчуқларнинг қўлини кўкка совурмоқчимиз. Мен тушликни еб, қароргоҳимизга етиб келганимда, уртоқларим алақачон тупланиб, бир-бирларига уз чўзмаларини мақташаётган экан. Улар мени кўрди-ю, дарров сафга туришди. (Биз бу ерда узимизни чинакам аскарлардек ҳисоблар эдик) Одатдагидек, олдинда Қодир, кейин Жуман, Исроил — буй-буйларига қараб тизилишган. Мен Қодирнинг ёнига боргач, унинг елкасига оҳиста бир мушт туширдим. Уз навбатида у ҳам менга бир мушт туширди. Жуман ва Исмоил билан ҳам худди шу ҳолатни такрорладик. Бу бизнинг ҳарбийча саломлашишимиз эди. Саломлашиб бўлгач, анҳор ёқасига қараб йўл олдик. У ердан чўзмаларимизга мос тушадиган майда шағал тошларни чўнтагимизга тўлдириб, «жанг майдони»га қайтдик. Ҳар ким уз урнини эгаллади. Ко-

мандиримиз Қодир биринчи ораликни, Жуман иккинчи, Исмоил учинчи, мен (шерикларим орасида буйим энг паст бўлгани учун) сафнинг охирида турдим. Орадан ҳеч қанча фурсат утмай, командир буйруғи билан «жанг» бошланди. Симларда тизилиб турган қалдирғоч ва чумчуқларга қарата чўзмалардан шағал тошларни ўқ қилиб, ота бошладик. Лекин биринчи ҳужум натижа бермади. «Ўқ»лар хато кетдимиз, ҳар қалай «душман» ҳар томонга қочиб қолди. Командир «ўқ» заҳираларини туплаб қўйишга ва «душман» келгунча дам олишга рухсат берди. Биз заҳирани мустаҳкамлаб олгач, йўл ёқасидаги кукаламзорга чўзилдик.

Тўғриси айтсам, бизнинг командиримиз зур бола. Бизга нима буйруқ берса, узи ҳам тенг бажаради. Мана ҳозир ҳам менга унга шағал тош қарз берди. «Жанг»дан кейин қайтараман. Аммо Қодирнинг онаси Ҳадича хола куп вақтдан буён

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОВ, Дадахон
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

ИВМ компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0225.
11960 нускада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилади — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Нашр кўрсаткичи: № 64563
• Телефон:
33-44-25